


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



90

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги халқаро илмий-
амалий анжуман
мақолалар тўплами

(15 сентябр 2008 й.)

Тошкент - 2008

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.

Халқаро илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. –Т.: Ўз МУ, 2008, 394 б.

Ушбу мақолалар тўпамидан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Хорижий филология факультети профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда чет эллардаги олимларнинг ва республикамиздаги турли олий ўқув юртларида илмий иш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг тилшуносликка оид мақолалари жой олган.

Масъул муҳаррир: фил. ф. д., проф. А.А. Абдуазизов

Редколлегия аъзолари: проф. А.Э. Маматов, фил. ф. д., Давшан А.Н., фил. ф.д., Шереметьева А.Г., доц. Тўрабекова Д.К., ф.ф.н., Назирова Ш.А., доц. Эрматов Б.С., ф.ф.н., Исакова Ш.И. ф.ф.н., Ж.Ш.Жумабаева, ф.ф.н.Щитко Н.Н., кат.ўқит. Ш.С.Имяминова (масъул котиб), кат.ўқит. Х.Т. Маджитова кат.ўқит. Н.Г. Рогозинникова, кат.ўқит. Юсупова К.Н.

Такризчилар: ф.ф.н., доц. А. Содиков (ДЖКА)
ф.ф.н., Я.Ю.Арустамян
ф.ф.н., М.Абдулхайров

Мақолалар матни муаллифлар берган вариантыда босилмоқда

Мирзо Улугбек номидаги Ўз МУ Илмий кенгаши нашрга тавсия этган
2008 йил

Босишга рухсат этилди 04.06.2008. Ҳажми 21.75 босма табок.
Бичими 60×84 1/16. Адади 150 нусха. Буюртма 212.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА

ФАКУЛЬТЕТ ЗАРУБЕЖНОЙ ФИЛОЛОГИИ

*Посвящается 90 – летию
Национального университета
Узбекистана
имени Мирзо Улугбека*

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ФИЛОЛОГИИ

Сборник статей международной научно-практической конференции
(15 сентября 2008 г.)

Ташкент – 2008

В данном сборнике собраны научные статьи профессорско-преподавательского состава факультета зарубежной филологии Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека, преподавателей других вузов республики, а также зарубежных ученых, занимающихся проблемами филологии.

Ответственный редактор: д.ф.н., проф. А.А.Абдуазизов

Редколлегия: проф. А.Э. Маматов, д.ф.н., Давшан А.Н., д.ф.н., Шереметьева А.Г., доц. Турабекова Д.К., к.ф.н., Назирова Ш.А., доц. Эрматов Б.С., к.ф.н., Исакова Ш.И. к.ф.н., Ж.Ш.Джумабаева, к.ф.н. Щитка Н.Н., ст.преп. Ш.С.Имяминова (ответственный секретарь), ст.преп. Т.Маджитова, ст.преп. Н.Г. Рогозинникова, ст.преп. Юсупова К.Н.

Рецензенты: к.ф.н., доц. А. Садиков (ДЖКА)
к.ф.н., Я.Ю.Арустамян
к.ф.н. М.Абдулхайров

Материалы публикуются в авторской редакции

Рекомендовано к изданию Ученым Советом НУУз имени Мирзо Улугбека,
2008 год,

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER
MIRZO ULUGBEK

FACULTY OF FOREIGN PHILOLOGY

*It is devoted to the
90th anniversary of
National University
of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek.*

ACTUAL PROBLEMS OF
PHILOLOGY

Theses of international scientific-practical conference
(15 september 2008 y)

TASHKENT 2008

ҳаётимиздан ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Айниқса, ўқиш, ўқитиш ишлари билан боғлиқ бўлган дароҳларда бу ҳолларни учраши ачинарлидир.

Тилимиз маъсулиятини ҳис қилиб, тилдаги ҳар бир сўз ва ибора кадрини чуқур англаган ҳолда, юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш жоизки, она тилимизни четдан кириб келган ҳар хил ёт унсурлардан имкон қадар тезроқ тозалаш даркор, баъзи бир “метод, устав” каби сўз ва улар билан боғлиқ бўлган юқорида келтирган бирикмаларга ўхшаш, нутқимизда фаол ишлатилаётган чалқаш таржималарга тезлик билан аниқлик киритиш зарур. Акс ҳолда, бу ҳол ўзбек тили тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса етук мутахассисларимиз, тилшунос ва таржимашунос олимларимиз зиммасига маъсулият юклайди.

Истардикки, мутахассисларимиз ўқув методик ва мураббийлик ишлари билан боғлиқ атамалар, рус ва чет тилларидан кириб келиб, ўзлашиб кетган сўзлар, байналминал сўзлар, мустақилликдан кейин пайдо бўлган янги сўз (неологизм) ва атамалар, шунингдек маиший сўзларни бир нуктага жамлаб, улар устида жиддий ишлаб, барча учун зарур бўлган, иш столидан доимий жой оладиган бир лугат яратилса.

Зар қадрини заргар билади, деганларидек, сўз қадрига авваламбор сўз санъаткорлари, сўз усталари етиши табиий. Бу борада улар фаол иштирок этади деган умид билдирамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. З.М.Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960, 14- бет
2. Хожиев А. “Термин танлаш мезонлари” Т., Уз РФА, “Фан”, 1996, 13-14 - бетлар.
3. Каранг: Литературная газета, 1986, 31 август.
4. Каранг: “Ўзбек тили ва адабиёти”, журн., 1995, 2-сон, 26-28- бетлар.
5. Миллий кадрлар дастури (Кенгаш) Самарканд, 1998 йил.
6. Русско-узбекский словарь. Госиздат. Иностр. И национальных словарей. М., 1954., стр. 364.

Алишер Навоий асарларидаги янги аниқланган айрим икки маъноли сўзлар талқини

Абдулхайров М. – Ўз МУ

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, диний кадриятларга, ота-боболаримизнинг меросига муносабат ўзгарди. Илгари мумтоз асарларда “худо”, “пайғамбар” сўзлари тушириб қолдирилган бўлса, мустақилликдан сўнг уларни ёзиш, ўқиш имкониятига эга бўлди. Бу эса Алишер Навоий асарларини тўлароқ англашга, тушунишга ёрдам беради. Шоир асарларининг тўла нашр қилиниши унинг лугатини ҳам тўла ҳолда нашр қилинишини тақозо этади. Дарҳақиқат, биз ана шу имкониятдан фойдаланиб, аслият асосида шоирнинг 20

жилдлик асарлар тўпламидаги сўз ва ибораларни “Алишер Навоий асарлари тилининг 4 жилдлик изоҳли лугати”га қиёслаб чиқдик. Шу маънода ушбу мақоламизни Алишер Навоий асарлари тилидан янги аниқланган айрим икки маъноли сўзлар талқинига бағишладик.

Текширишларимиз шуни кўрсатадики, Алишер Навоий асарларидан янги аниқланган, тушунилиши қийин (АНАТИЛга қайд этилмаган)⁽¹⁾ сўзларнинг қатта бир қисмини кўп маъноли сўзлар ташкил этади. Бундай кўп маъноли сўзлар шоир асарлари тилида асосан, икки ёки ундан ортик маъноларни ифодалаб келган.

Куйида ана шундай икки маъноли сўзларнинг маъно муносабатлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз: ...Юз оҳу сўз била сувамоқнинг итмоми ва бу фано хирқасини заъфу **ифтиқор** ямоқларин кирпик синук игнасига ашк узук торин тоқиб, юз дарздўзлик била ямамоқнинг эҳтимоми [ХА, 331]⁽²⁾. Шоир асарлари тилидан келтирилган ушбу иллюстратив мисолда **ифтиқор** сўзи “камбағаллик”, “муҳтожлик”, “бечоралик” маъносида қўлланилган. Бу сўз АНАТИЛда эътироф этилмаган. Шунингдек, **ифтиқор** сўзи Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари тилида “фақирлик”, “тупроқ мисол нуму нишонсиз бўлишлик” каби сўфиёна маънода ҳам келган: Ва “Савонех” Фузулидин бири будирким, маъшук барча ҳоли била маъшукдур, бас истиғно анинг сифатидур. Ва ошиқ барча ҳоли била ошиқдур, бас **ифтиқор** анинг сифатидур [НМ, 251]⁽³⁾.

Эсиб халқ сари насими висол,

Менга ҳажер ўтидин этиб **илтиҳоб** [НШ, 49]⁽⁴⁾.

Бу сўз шоир асарлари тилида икки маънода қўлланилиб, ушбу байтда “ловиллаб ёниш”, “ўт олиш”, “алангалик” маъносида келган. “Сабъаи сайёр”да эса, “асабийлашмоқ”, “қизишмоқ”, “ғазабланмоқ” маъносини ифодалаган:

Тиз селобидин бериб бас кин,

Ки ўти **илтиҳоби**га таскин [СС, 62]⁽⁵⁾.

Бу сўз мумтоз асарлар тилида асосан икки маънони ифодалаб келганлиги айрим лексикографик тадқиқот ишларида эътироф этилган [ФЗТ, 1969, I, 476]⁽⁶⁾.

Нафсинга раҳмати ҳақ била **иктирон**,

Муъжиз отингга сеҳру фусун **ифтиро** [БВ, 11]⁽⁷⁾.

Ушбу байтда **иктирон** сўзи “яқин келиш”, “йўлиқиш”, “учрашиш”, “бир-бирига яқин дўст бўлиш” маъносида ишлатилсин. Бу сўз шоирнинг “Сабъаи сайёр” ва “Ҳайрат ул-аброр” асарлари тилида ҳам худди шу маънода қўлланилган:

“Ре”лариким зоҳир этиб **иктирон**,

Фоиш ўлуб ондин зарари бегарон [СС, 62]⁽⁸⁾.

Ёки:

...ва самин жавҳарларнинг бир-бирига **иктирони** дилпазир кўринуридин назм таркибин наср тартибига таржиҳ қилмоқ [ХА, 57]⁽⁹⁾.

Бундан таниқари, бу **иктирон** сўзи Алишер Навоий асарларида айнан “икки сайёранинг бир-бирига тўқнашиши”га ишора тарзида ҳам қўлланилган:

Қарн ила даврон топибон **иктирон**,

То бўлубон бир киши соҳибқирон [ХА, 216]⁽¹⁰⁾.

Алишер Навоий асарлари тилида **гириҳнок** сўзи икки мартаба қўлланилиб, бир ўринда “тугунли” маъносини ифодалаган:

Сарриштаи диққати гириҳнок,

Ҳар бир гириҳида юз дури пок [ЛМ, 31]⁽¹¹⁾

Шунингдек, бу форсча сўз яна бошқа бир ўринда “кийин”, “мушкул”, “чигил” маъноларини ҳам ифодалаган:

Ҳар лаҳза ишимни чархи бебок,

Ул ришта бида этиб гириҳнок [ЛМ, 15]⁽¹²⁾

Дарҳақиқат, бу форсча сўзнинг **гиреҳ** шакли ҳам форсий мумтоз асарлар тилида кўп маъноли сўз сифатида қайд этилган [ФЗТ, 1969, I, 266-267]⁽¹³⁾.

Шундай қилиб, шоир асарлари тилидан янги аниқланган икки маъноли сўзларни таҳлил қилиш нафакат ўзбек тилшунослиги, балки навоийшунослик олдида турсак долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу билан билан бирга, улуг бобомиз Алишер Навоийнинг бадъий маҳорати ва сўз қўллаш жиҳатларини ўрганишда ҳам катта имконият яратади. Қолаверса, бундай сўзларнинг маъноларини очиш лексикология тарихини, унинг XV аср иккинчи ярмидаги ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. Т., 1983-1985.
2. Қавс ичидаги шартли қисқартма рақамлар асар номи ва саҳифаларини билдиради: Ҳайрат ул-аброр. (331-б. Кейинги ўринларда шу тарзда берилади).
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат //Мукаммал асарлар тўплами. X жилд. Т., 2001, 251-б.
4. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб //Мукаммал асарлар тўплами. IV жилд. Т., 1989, 49-б.
5. Алишер Навоий. Сабъи сайёр //Мукаммал асарлар тўплами. X жилд. Т., 1992, 62-б.
6. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX). Т. 1-2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 1904 с.
7. Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат //Мукаммал асарлар тўплами. V жилд. Т., 1990, 11-б.
8. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр //Мукаммал асарлар тўплами. Т., 1991, 2-12-б.
9. Ўша асар, 57-б.
10. Ўша асар, 916-б.
11. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун //Мукаммал асарлар тўплами. Т., 1992, 31-б.
12. Ўша асар, 15-б.
13. Ўша асар, 266-267-б.